

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ ҲАСАН РУСТАМОВИЧ**

**ВВЗАНИНГ ЯНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИНИНГ ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
(Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Юсупов Ҳасан Рустамович**

Ѓўзанинг янги ва истиқболли навларининг етиштириш агротехнология  
элементларини ишлаб чиқиш (Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари  
шароитида)..... 3

**Юсупов Ҳасан Рустамович**

Разработка элементов агротехнологии возделывания новых и  
перспективных сортов хлопчатника (в условиях лугово-аллювиальных почв  
Хорезмской области)..... 21

**Yusupov Hasan Rustamovich**

Development of agricultural technology elements for cultivating new and  
promising cotton varieties (in the conditions of meadow-alluvial soils of the  
Khorezm region)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ ҲАСАН РУСТАМОВИЧ**

**ВЎЗАНИНГ ЯНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИНИНГ ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
(Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуеи Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Qx1408 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сатилов Гаипназар Матвапаевич,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Таджиев Карим Мардонқулович,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Алланазаров Султанбек Рейпназарович,  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта  
илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «12» 10, соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 23 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «26» 03 кун тарқатилди.

(2024 йил «3» 08 даги 6/6 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Р.И.Сиддиқов  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

*[Signature]*  
И.И.Абдуллаев  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш котиби, к.х.ф.д., доцент.

*[Signature]*  
С.О.Абдурахмонов  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “жаҳоннинг 100 га яқин мамлакатларида йилига 34,2 млн. гектар майдонда ғўза ўсимлиги парвариш қилиниб, 27,3 млн. тоннадан ортиқ тола етиштиришга эришилиб, шундан 60 фоиздан ортиғи Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ ҳиссасига тўғри келади”<sup>1</sup>. Дунёда тўқимачилик саноатини ривожланиши пахта толасига бўлган талабнинг ҳам йилдан йилга ортиб боришига олиб келмоқда. Аммо, ҳар йили дунё деҳқончилигида фойдаланиб келинаётган суғориладиган майдонларнинг 2 фоизга яқини ҳар хил омилларга боғлиқ ҳолда дегродацияга учраб бораётганлиги ҳисобига ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш муаммолигича қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, “дунёда пахта толаси етиштириш ҳажми 2020- йилда 33,6 млн тонна, 2021 -йилда 33,2 млн тонна, 2022-йилда 32,4 млн тонна, 2023-йилда 32,0 млн тоннани ташкил этиб, 2020 - йилга нисбатан тола етиштириш 4,76 фоизга камайганлиги кузатилган”<sup>2</sup>. Дунёда глобал иқлим ўзариши юз бераётган даврда ғўза ўсимлигининг ташқи муҳит омилларига бўлган таъсирчанлигини камайтириш ва бардошлилигини оширишда етиштириш агротехнология элементларини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Пахтачилик ривожланган мамлакатларда яратилган нав ва дурагайларнинг биологик ва марфалогик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг кўчат қалинлиги ҳамда шунга мос равишда чилпишни мақбул муддатида ва сифатли ўтказилганда ўсимликнинг ривожланишдаги физиологик ва кимёвий жараёнлар, хусусан, сув ва минерал озик моддаларнинг қайта тақсимланиши ғўзанинг генератив органлари шона ва гул, кўсақларнинг ривожланиши ижобий таъсир кўрсатади, натижада ғўза ҳосил элементларининг пишиб етилиши 8-10 кунгача тезлашади. Бунинг натижасида пахта ҳосилининг биринчи терим салмоғи ортиб, ҳосилнинг 80-90 фоизини юқори саноат навларига топшириш имконияти яратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу борада кўпалаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизда пахтачилик соҳасига янада эътибор кучайтирилиб, янги тезпишар ғўза навларини яратиш, серҳосил нав ва дурагайларини чет давлатлардан олиб келиб, уларнинг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Яратилган ҳар бир ғўза навининг морфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, экиш муддатларига, кўчат қалинлигига, суғориш тартибларига, озиклантириш муддат ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Бу борада “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган 2017-2021- йилларга белгиланган ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш” муҳим вазифалардан бири этиб кўрсатилган. Шунинг учун ҳам ерлардан интенсив фойдаланиш

<sup>1</sup> <https://kun.uz/ru/news/mirovyye-giganty-xlopkovodstva-kakoye-mesto-sredi-nix-zanimayet-uzbekistan>

<sup>2</sup> <https://www.fao.org/about/who-we-are/departments/statistics-division/ru/>

мақсадида, ғўзани парваришлаш агротадбирлари, жумладан мақбул кўчат қалинлигида ва муддатлари бўйича илмий изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030- йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони, 2022-йил 7-июлдаги “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг кўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли, 2023-йил 15-декабрдаги “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-391-сонли қарори ҳамда мазкур қарорга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига, ушбу диссертатсия тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўза навларининг морфобиологик хусусиятларига, турли тупроқлар шароитларига боғлиқ ҳолда мақбул кўчат қалинлигини белгилаш ҳамда чилпиш тадбирини турли муддатларда ва усулларда ўтказиш бўйича Республикамиз олимларидан Б.Халиқов, Г.Сатилов, Ҳ.Турсунов, Ф.Намозов, С.Тоғаев, Н.Ражабов, Й.Муҳаммадов, Ш.Маманазаров, Э.Самандаров чилпиш бўйича Т.Лысенко, А.Аваякан, О.Жалилов, Т.Яминов, К.Иванов, Х.Гулямов, У.Мадраимов, О.Ибрагимов, Ш.Х.Абдуалимов, С.Р.Алланазаров, Р.Комиловлар ҳамда хориж олимлари М.Банге, Р.Лонг, С.Бёрд, Ж.Даи, Ҳ.Донг, М.Ду, Н.Муҳаммад, С.Малик, М.Макхдум, О.Ўбур, Ҳ.Степхен, С.Вригхт, Р.Хутмачер, П.Зханг томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ, Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўзанинг “Султон” ва “S-8294” навларидан эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда турли кўчат қалинлигида чилпиш муддатни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

**Диссертатсия тадқиқотининг диссертатсия бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот режасининг 2021-йил 18-январдаги №2-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Хоразм вилояти шароитида ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2020-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўзанинг “Султон” ва “S-8294” навларидан эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда турли кўчат қалинлигида чилпиш муддатни аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўза навлари чигитларини турли экиш тизимларида экишнинг чигитларни дала унувчанлиги ва кўчат қалинликларига таъсирини аниқлаш;

ғўза навларини ўсиши ва ривожланишига кўчат қалинлигининг таъсирини аниқлаш;

чигит экиш тизимлари ҳамда чилпиш муддатларини ғўза навларида барг юзасининг шаклланишига ҳамда биологик қуруқ масса тўплашига таъсирини аниқлаш;

чигит экиш тизимлари ҳамда чилпиш муддатларини ғўза навларининг гуллаш динамикаси ва ҳосил элементларининг тўкилишига таъсирини аниқлаш;

чигит экиш тизимлари ҳамда чилпиш муддатларини ғўза навларининг теримлар салмоғига, бир чанокдаги пахта вазнига ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

чигит экиш тизимлари ҳамда чилпиш муддатларини толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ғўза навларини турли экиш тизимларида экиб, ўсув даврида турли муддатларда чилпиш тадбирларини олиб боришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** сифатида Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари, ғўзанинг “Султон” ва “S-8294” навлари, турли кўчат қалинлиги, чилпиш муддатлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўзанинг “Султон” ва “S-8294” навлари ўсиши, ривожланиши, кўсакларининг шаклланиши ва уларга турли кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг барг сатҳи, қуруқ масса тўплаши, пахта ҳосили, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар ЎзПИТИда қабул қилинган “Методика полевых опытов с хлопчатником” (1981), “Методы определения свойств хлопка-волокна” ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари ҳамда олинган маълумотларни Б.А.Доспеховнинг (1985) “Методика полевого опыта” услуги бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўзанинг эртапишар “Султон” ҳамда “S-8294” навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда “Султон” навини 60x12-1 тизимда экилиб, чилпиш тадбирини 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида, “S-8294” навини 60x12-1 тизимда экилиб, чилпиш тадбирини 15-16 ҳосил шох пайдо бўлганида ўтказиш юқори самара бериши аниқланган;

Ғўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навлари чигитларини 60x12-1 тизимда экиш амал даври охирида кўчат қалинлигини гектарига “Султон” навида 129,1-129,8 минг тупгача, “S-8294” навида 129,1-129,3 минг тупгача сақланиб қолиниши асосланган;

Ғўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навларини ўсув даврида 10-11 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш тадбирини олиб бориш умумий кўсаклар сонига салбий таъсир этиб, 12-14 ва 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш

тадбири олиб боришга нисбатан 1-сентябр ҳолатига “Султон” навида 60x12-1 экиш тизимида экилганида 3,0-5,1 дона/туп гача, 60x15-1 экиш тизимида экилганида 2,1-3,2 дона/туп гача, “S-8294” навида 60x12-1 экиш тизимида экилганида 2,1-4,9 дона/туп гача, 60x15-1 экиш тизимида экилганида 2,3-4,2 дона/туп гача камайиб бориши исботланган;

Ёўза чигитларини 60x12-1 тизимда экиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбирини олиб бориш рентабеллик даражасини “Султон” навида 44,9 фоизга, “S-8294” навида 28,5 фоизга, 15-16 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбирини олиб бориш рентабеллик даражасини “Султон” навида 37,6 фоизга, “S-8294” навида 31,0 фоизга етиши аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Ёўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навлари чигитларини 60x12-1 тизимда экиб парвариш қилинган вариантларда, Ёўзанинг “Хоразм-127” нави чигитларини 60x15-1 тизимда экиб парвариш қилинган назорат вариантыга нисбатан униб чиққан кўчатларни амал даври охиригача нобуд бўлиш даражаси 0,1 фоиздан 0,3 фоизгача камайгани кузатилган бўлсада, чигитлар 60x15-1 тизимда экиб парвариш қилинган вариантларда, аксинча, 0,1 фоиздан 0,2 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган;

Ёўзанинг “Хоразм-127” нави уруғлари 60x15-1 тизимда экилиб, 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири олиб борилган назорат вариантыда 1-сентябр ҳолатига жами кўсақлар сони 12,1 дона туп ни ташкил этиб, Ёўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навлари уруғлари 60x12-1 тизимда экилиб, 10-11 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 4,0 дона/тупдан 4,9 дона/тупгача, 12-14 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 1,0 дона/тупдан 2,8 дона/тупгача юқори, 15-16 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 1,1 дона/тупгача кам бўлган бўлса, Ёўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навлари уруғлари 60x15-1 тизимда экилиб, 10-11 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 2,0 дона/тупдан 2,5 дона/тупгача юқори, 12-14 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 0,1 дона/тупдан 0,2 дона/тупгача, 15-16 дона ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларга нисбатан 1,2 дона/тупдан 1,7 дона/тупгача кам бўлганлиги қайд этилган

Ёўзанинг “Султон” нави уруғлари 60x12-1 ва 60x15-1 тизимда экилиб, 12-14 ва 15-16 ҳосил шох пайдо бўлганда чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларда Ёўзанинг “Хоразм-127” нави уруғлари 60x15-1 тизимда экилиб, 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилган назорат вариантыга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 0,4 ц/га дан 2,0 ц/га гача, рентабеллик даражаси 0,2 фоиздан 7,6 фоизгача юқори бўлган бўлса, Ёўзанинг “S-8294” нави уруғлари 60x12-1 ва 60x15-1 тизимда экилиб, 12-14 ва 15-16 ҳосил шох пайдо бўлганда чилпиш тадбири амалга оширилган вариантларда пахта ҳосилдорлиги 1,8 ц/га дан 8,3 ц/га гача, рентабеллик даражаси 6,3 фоиздан 26,8 фоизгача камайиб бориши кузатилган;

ғўзанинг “Султон” нави чигитларини 60x12-1 ва 60x15-1 тизимларда экиб етиштириш ғўзанинг “Хоразм-127” нави чигитларини 60x15-1 тизимда экиб, 12-14 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш тадбири олиб борилшган назорат вариантыга нисбатан 10-11 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилганида 1000 дона чигит вазни 9,0-11,0 г, тола чиқиши 0,5-0,6 фоизга, 12-14 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилганида 1000 дона чигит вазни 10,0-11,0 г, тола чиқиши 0,6 фоизга, 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганида чилпиш тадбири амалга оширилганида 1000 дона чигит вазни 10,0-11,0 г, тола чиқиши 0,6 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тадқиқот натижалари математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўза навларини экиш тизимларига боғлиқ ҳолда турли кўчат қалинлигида етиштирилганида чилпиш тадбирларини олиб боришнинг мақбул муддатларини уруғларининг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг ўзгариши ва биологик куруқ модда тўпланишига, ҳосил структураси, пахта ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ғўзанинг “Султон” нави чигитларини 60x12-1 тизимда экиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбирларини олиб бориш ғўзанинг “Хоразм-127” нави чигитларини 60x15-1 тизимда экиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш тадбирларини олиб боришга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 2,0 ц/га, рентабеллик даражаси 7,6 фоизгача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хоразм вилояти шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда чигитларни мақбул экиш тизими ва чилпиш муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Пахтачиликка ихтисослашган кластерлар ва фермер хўжаликлари учун “Хоразм вилояти шароитида ғўза етиштириш технологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 22.06.2024 йилдаги №05/04-04-278-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда кластер ва фермер хўжаликларида ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Ғўзанинг “Султон” ҳамда “S-8294” навлари Урганч тумани “Тўрабек” фермер хўжалигида 25,0 гектар, “Қаландар Сапаев” фермер хўжалигида 28,0

гектар, “Шерзод Хамдам” фермер хўжалигида 33,0 гектар, Боғот тумани “Ортиқ ўғли Ойбек” фермер хўжалигида 30,0 гектар, жами 116,0 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 22.06.2024 йилдаги №05/04-04-278-сон маълумотномаси). Натижада ғўзанинг “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосилшоҳ пайдо бўлганида, ғўзанинг “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосилшоҳ пайдо бўлганида чилпиш тадбири олиб борилганида юқори самарадорликка эришилган;

Ғўзанинг “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосилшоҳ пайдо бўлганида, ғўзанинг “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосилшоҳ пайдо бўлганида чилпиш тадбирини ўтказиш технологияси Урганч ва Боғот туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 22.06.2024 йилдаги №05/04-04-278-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали рентабеллик даражаси “Султон” навида 42,3 фоизга, “S-8294” навида 30,4% фоизга ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Урганч давлат университетининг апробация комиссиялари томонидан “яхши” ва “аъло” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та жумладан, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларининг таъсири бўйича олиб**

**борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида, ғўза навларини турли кўчат қалинликларида етиштириш ҳамда ҳар хил ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбирларини ўтказишнинг пахта ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотларидан шарҳлар келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, худуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Тажриба қўйишдан олдин ҳар йили тажриба майдонидан конверт усулида тупроқ намуналари олиниб, лаборатория шароитида агрохимёвий таҳлиллар ўтказилиб борилди. Намуналар ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов остки (30-50 см) қатламлардан олиниб, чиринди миқдори В.Тюрин услубида, нитратли азот миқдори эса Грондвалд Ляжу усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчи калий П.В.Протасов усулларида аниқланди. Умумий миқдорлари эса К.Гинзбург, И.Шеглова ва С.В.Вилфиус усуллари бўйича кузатув ишлари олиб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, (2019 й.) тупроқнинг 0-30 см қатламида чиринди миқдори 0,958%, ялпи азот миқдори 0,089%, умумий фосфор 0,080% ва калий миқдори 1,520% ни ташкил этди. Шу ўринда тупроқдаги нитрат миқдори 7,62 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 21,25 мг/кг, алмашинувчи калий 165 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган. Тупроқнинг ҳайдов остки яъни 30-50 см қатламида ушбу кўрсаткичлар ўрганилганда тегишли равишда 0,812; 0,065; 0,060; 1,360 фоизни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан шакллари 6,35; 15,54 125 мг/кг ни ташкил этганлиги кузатилди. Тадқиқотлар олиб борилган йилларнинг учала йилда ҳам тупроқнинг таъминланиш даражаси бир бирига яқин бўлганлиги кузатилиб, тажрибадан сўнг бироз пасайганлиги аниқланган.

Тажриба жойлаштирилиб, тадқиқотлар ўтказилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари озиқа элементлари билан кам миқдорда таъминланган дейиш мумкин.

Илмий–тадқиқот ишлари 2020–2022-йилларда ПСУЕАИТИ Хоразм илмий тажриба станцияси ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилиб, бунда ғўзанинг Хоразм-127 навига янги ва истиқболли ҳисобланган “Султон” ва “S-8294” ғўза навларини таққослаб эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда турли кўчат қалинлигида чилпиш муддатлари уч йил давомида ўрганилди.

**Тажриба майдони тупроғининг амал даври бошида агрокимёвий  
хусусиятлари**

Йиллар	Тупроқ қатламлари, см.	Гумус, %	Умумий шакллари, %			Ҳаракатчан шакллари, мг/кг		
			N	P	K	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2020	0-30	0,958	0,089	0,080	1,520	7,62	21,25	165
	30-50	0,812	0,065	0,060	1,360	6,35	15,54	125
2021	0-30	0,824	0,082	0,087	1,440	7,51	21,02	160
	30-50	0,707	0,058	0,062	1,200	6,17	15,80	132
2022	0-30	0,912	0,093	0,074	1,370	8,02	21,95	171
	30-50	0,768	0,065	0,055	1,300	6,63	18,05	139

Тажриба 13 та вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 240 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинган майдон 120 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 1,3 га. Тажриба 3 йил давомида бир майдонда олиб борилди.

Тажрибада ғўзанинг “Хоразм-127” нави ишлаб чиқариш шароити бўйича 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шохи шакланганида чилпиш тадбири ўтказилади. Ғўзанинг “Султон” ва “S-8294” навлари икки хил, 60x12-1 ва 60x15-1 тизимда экилиб, 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шохлари шакланганида чилпиш тадбирлари олиб борилади. Олинган натижалар ғўзанинг “Хоразм-127” нави таққосланади.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (УзПИТИ-2007), «Методика проведения полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1973, 1981), «Методика полевых опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981) қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.

Бир гектар майдондан олинган иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретений, рационализаторский предложений» (1987) қўлланмасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг “Турли кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларига боғлиқ равишда “Султон” ҳамда S-8294 (гурлан) ғўза навларининг ўсиб ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларига таъсири” деб номланган учинчи бобида ғўзанинг “Султон” ҳамда S-8294 (Гурлан) навлари ниҳолларининг униб чиқишига, кўчат қалинлигига, ўсув давларининг давомийлигига, ўсиши ва ривожланишига, барг юзасининг шаклланишига, биологик куруқ модда тўплаш жадаллигига, гуллаш динамикасига, ҳосил элементларининг тўкилиш микдорига, теримлар салмоғига ва бир чанокдаги

пахта вазнига, пахта ҳосилдорлигига, 1000 дона чигит вазни ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига экиш тизимлари ва чилпиш муддатларининг таъсири таҳлил қилинган.

Ғўза навларида чигитларнинг дала унувчанлиги вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида, бир бирига нисбатан катта фарқлар кузатилмаган ҳолда, чигитларнинг дала унувчанлиги 94,4 фоиздан 95,2 фоизгача бўлганлиги кузатилиб, юқори унувчанлик ғўзанинг “Хоразм-127” нави экилган назорат вариантыга тегишли бўлганлиги аниқланган.

Униб чиққан кўчатларнинг амал даври охиригача сақланувчанлиги вариантлар кесимида ўрганилганида, қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсири сезиларли бўлиб, ғўзанинг “Хоразм-127” нави экилган назорат вариантыга нисбатан юқори натижалар ғўзанинг “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб вариантларда кузатилиб, ўсув даврида 10-11 ҳосил шох шаклланган даврда чилпиш тадбири ўтказилган 0,3 фоизга, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланган даврда чилпиш тадбири ўтказилган 0,2 фоизга, ўсув даврида 14-15 ҳосил шох шаклланган даврда чилпиш тадбири ўтказилган 0,1 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

## 2-жавдал

### Ғўза навларни кўчат қилинлигига экиш тизими ҳамда чилпиш муддатларини таъсири, 2021 й.

№	Навлар	Экиш тизими	Чилпиш муддатлари	Амал даври бошида кўчатлар қалинлиги, минг туп/га	Амал даври охирида пахта терими олдиан кўчат қалинлиги, минг туп/га
1	Хоразм-127	60x15-1	12-14	104,7	103,5
2	Султон	60x12-1	10-11	130,9	129,8
3			12-14	130,8	129,6
4			15-16	130,4	129,1
5			10-11	103,8	102,5
6	S-8294	60x15-1	12-14	104,2	102,9
7			15-16	104,2	102,8
8			10-11	130,4	129,1
9	S-8294	60x12-1	12-14	130,7	129,3
10			15-16	130,6	129,2
11			10-11	104,1	102,8
12		60x15-1	12-14	104,3	103,0
13			15-16	104,2	102,8

Ғўза навларини 1-август ҳолатига поя баландлиги, ҳосил шохлари сони, ҳосил элементлари сони ҳамда кўсақлар сони вариантлар кесимида таҳлил қилиб чиқилганида, ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат вариантга нисбатан поя баландлиги бўйича юқори натижалар ғўзанинг “Султон” нави 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох

шаклланганида чилпиш тадбири олиб борилган вариантларда аниқланиб, 0,9 см дан 1,6 см гача баланд бўлганлиги кузатилган.

Вўза навларида ҳосил шохларининг шаклланиш даражаси вариантлар кесимида таҳлил қилинган эса ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат вариантга нисбатан ғўзанинг “Султон” нави 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантда 2,7 дона/туп, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири олиб борилган вариантларда 0,2 донадан 1,8 дона/туп гача, ғўзанинг “S-8294” нави 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири олиб борилган вариантда 2,3 дона/туп, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири олиб борилган вариантда 2,0 дона/туп гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

**3-жадвал**

**Экиш тизими ва чилпиш муддатларини ғўза навларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири, 2021 йил.**

Вар	Навлар	Экиш тизими	Чилпиш муддатлари	1-август			
				Бош поя баландлиги, см	Ҳосил шох, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона
1	Хоразм-127	60x15-1	12-14	96,3	13,2	17,5	4,8
2	Султон	60x12-1	10-11	86,5	10,5	10,7	3,3
3			12-14	97,2	12,7	12,6	5,5
4			15-16	97,9	15,9	14,7	6,6
5			10-11	88,2	10,3	11,6	4,5
6		60x15-1	12-14	95,9	13,4	17	5,8
7			15-16	96,2	15,0	18,7	6,8
8			S-8294	60x12-1	10-11	76,2	10,2
9	12-14	80,1			12,8	14,1	5
10	15-16	80,5			15,5	14,3	6,6
11	60x15-1	10-11		78,3	10,8	11,7	4,5
12		12-14		87,7	12,6	14,6	5,8
13		15-16		89,4	15,2	15,2	7,9

Вўза навларининг бир тупида ҳосил элементларининг шаклланиши вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат вариантга нисбатан юқори натижани ғўзанинг “Султон” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантда қайд этилиб, 1,2 донага кўп бўлганлиги аниқланган бўлса, бошқа барча вариантларда назорат вариантга нисбатан 0,5 дона/туп дан 6,8 дона/туп гача кам бўлганлиги қайд этилган.

Ғўза навларида кўсақлар сони таҳлил қилинганида эса ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат вариантга нисбатан ғўзанинг “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантларда 0,7-1,8 дона/туп гача, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантларда 1,0-2,0 дона/туп гача, ғўзанинг “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантларда 0,2-1,8 дона/туп гача, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган вариантларда 1,0-3,1 дона/туп гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Ғўза навларида ривожланиш фазалари кесимида барг юзасининг шаклланиши ўрганиб чиқилганида, ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат 1-вариантга нисбатан шоналаш фазасида “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 2-3-4 вариантларда 1159,3-1244,4-1204,2 м<sup>2</sup>/га, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганда чилпиш тадбири олиб борилган 7-вариантда 43,8 м<sup>2</sup>/га, “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 8-9-10 вариантларда 830,0-839,7-888,4 м<sup>2</sup>/га, гуллаш фазасида “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 2-3-4 вариантларда 3709,4-3297,7-2876,1 м<sup>2</sup>/га, “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 8-9-10 вариантларда 2743,1-2778,3-2757,5 м<sup>2</sup>/га, ҳосил тўплаш фазасида “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 3-4 вариантларда 2887,0-4065,3 м<sup>2</sup>/га, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шох шаклланганда чилпиш тадбири олиб борилган 7-вариантда 88,4 м<sup>2</sup>/га гача юқори натижалар аниқланган бўлса, ҳосил тўплаш фазасида “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 8-9-10 вариантларда ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат 1-вариантга нисбатан 1537,6-1248,9-1084,6 м<sup>2</sup>/га гача камайиб борганлиги кузатилган.

Ғўза навларини ривожланиш фазалари бўйича биологик куруқ масса тўплаш жадаллиги вариантлар кесимида таҳлил қилиб чиқилганида, ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат 1-вариантга нисбатан фақат ғўзанинг “Султон” нави чигитлари 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 15-16 ҳосил шо шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 7-вариантда юқори натижа қайд этилиб, шоналаш фазасида 0,19 г/туп, гуллаш фазасида 0,30 г/туп,

пишиш фазасида 6,40 г/туп кўп бўлганлиги аниқланган. Қолган барча вариантларда ўсимликларнинг биологик қуруқ масса тўплаши ғўзанинг “Хоразм” нави экилган назорат 1-вариантда “Султон” нави экилган вариантларга нисбатан 2-3 чинбарг чиқариш фазасида 0,01-0,04 г/туп, шоналаш фазасида 0,02-0,41 г/туп, гуллаш фазасида 0,40-4,70 г/туп, пишиш фазасида 4,20-29,10 г/туп, “S-8294” нави экилган вариантларга нисбатан 2-3 чинбарг чиқариш фазасида 0,03-0,06 г/туп, шоналаш фазасида 0,26-0,63 г/туп, гуллаш фазасида 1,30-6,10 г/туп, пишиш фазасида 9,10-34,70 г/туп гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

Ғўза навларини гуллаш динамикасига (2022 й.) қўлланилган омилларнинг таъсири вариантлар кесимида таҳлил қилинганида, ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат 1-вариантга нисбатан “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 2-3-4 вариантларда 25.06 куни 3,0-3,3 фоизга, 30.06 кунига келиб 3,9-4,2 фоизга, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 5-6-7 вариантларда 25.06 куни 4,0-4,4 фоизга, 30.06 кунига келиб 4,8-5,3 фоизга, “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 8-9-10 вариантларда 25.06 куни 9,2-9,7 фоизга, 30.06 кунига келиб 6,2-6,8 фоизга, чигитлар 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 10-11; 12-14; 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 11-12-13 вариантларда 25.06 куни 11,5-11,6 фоизга, 30.06 кунига келиб 7,3-7,5 фоизга юқори бўлганлиги кузатилган.


Ғўза навларини ўсув даврида қўлланилган агротехник тадбирларни пахта ҳосилдорлигига таъсири вариантлар кесимида аниқлаб чиқилганида, чигит экиш тизими ва чилпиш муддатларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилиб, ғўзанинг “Хоразм-127” нави 60x15-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган назорат 1-вариантга нисбатан “Султон” нави чигитлари 60x12-1 тизимда экилиб, ўсув даврида 12-14 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 3-вариантдан 2,0 ц/га, чигитлар 60x15-1 тизимда экииб, ўсув даврида 12-14 ва 15-16 ҳосил шох шаклланганида чилпиш тадбири ўтказилган 6-7 вариантлардан 0,4-0,8 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинганлиги қайд этилган.

Ғўзанинг “S-8294” нави чигитлари 60x12-1 ва 60x15-1 тизимда экилган барча вариантларда ғўзанинг “Хоразм-127” нави чигитлари 60x15-1 тизимда экилган назорат вариантыга нисбатан юқори пахта ҳосилдорлигига эришилмади. Аксинча, 60x12-1 тизимда экилган вариантлардан 1,8-8,3 ц/га, 60x15-1 тизимда экилган вариантлардан 4,5-7,8 ц/га гача пахта ҳосилдорлиги камайиб борганлиги кузатилган.

**Диссертациянинг “Ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида тажриба олиб боришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг сарф ҳаражатлари вариантлар кесимида**

ёритиб чиқилган.

